

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

САПАРНИЯЗОВ АЗИЗБЕК ТУРГАНБАЕВИЧ

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ТАРИХИНИНГ ОРЕНБУРГ ЭКСПЕДИЦИЯСИ
ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1734-1744 йй.)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

| | |
|---|----|
| Сапарниязов Азизбек Турганбаевич Қорақалпоқлар тарихининг Оренбург экспедицияси хужжатларида акс эттирилиши (1734-1744 йй.)..... | 5 |
| Сапарниязов Азизбек Турганбаевич История каракалпаков в документах Оренбургской экспедиции (1734-1744 гг.)..... | 24 |
| Saparniyazov Azizbek Turganbaevich History of the karakalpaks in the documents of the Orenburg expedition (1734-1744)..... | 46 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications..... | 49 |

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

САПАРНИЯЗОВ АЗИЗБЕК ТУРГАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ТАРИХИНИНГ ОРЕНБУРГ ЭКСПЕДИЦИЯСИ
ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1734-1744 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.3.PhD.Tar334 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://karsu.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Джумашев Аскар Мамбетович тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим |
| Расмий оппонентлар: | Абдуллаев Уткир Исмаилович тарих фанлари доктори (DSc), доцент Сайманов Султанбай Сыргабаевич тарих фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | ЎзР ФА Хоразм Маъмун Академияси |

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 9 » октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, №1 жой/ Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 48 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, №1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49).

Диссертация автореферати 2021 йил « 25 » сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил « 25 » сентябрь даги 7 рақамли реестр баённомаси).


Р.Б.Баллиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

Х.М.Отегенов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори, PhD

Б.А.Кошанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тарих фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари халқларнинг ўзаро яқинлашувига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатда жаҳон ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан миллатлар тарихи, урф-одатлари шу билан бирга уларнинг асрий ва миллий кадриятларини улуғланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО ҳомийлигида ишлаб чиқилган қатор стратегик концепциялар асосида ўтказилаётган халқаро конференция ва форумларда ишлаб чиқилган дастурлар дунё халқларининг маънавий-маърифий ҳаётининг юксалишига замин яратмоқда.

Дунё миқёсида давлатчилик жараёнларида ташқи алоқаларнинг роли, халқаро алоқа йўллариининг шаклланиши ва тараққий этиши, хўжаликнинг ривожланиши тарихий экспедициялар ҳамда уларнинг иқтисодий-ижтимоий жараёнлардаги ролининг таҳлили бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тарихий-маданий меросни қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш, уларнинг ижтимоий-маънавий соҳалар ривожини, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини янада ошириш, турли халқлар маданий меросини жаҳон афкор оммасига янада кенг таништиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда амалга оширилган туб ислохотлар мамлакат маданий ҳаётининг юксалишига замин яратмоқда. Қорақалпоғистонда ҳам олиб борилаётган мақсадли ислохотлар ҳудудда илм-фаннинг ривожланиши баробарида гуманитар соҳа вакиллари олдига қатор устувор мақсадларни кўймоқда. «Ҳаммамизга бир ҳақиқат равшан бўлиши лозим: биз мавжуд ривожланиш суръатлари билан ўз олдимизга кўйган юксак мақсадларга эриша олмаймиз. Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга кўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда»¹. Мазкур жараёнда янги воқелик биздан ўтмишга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимизни, тарихимизда рўй берган воқеаларни очиқ, шаффоф ва холисона таҳлил қилишимизни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 17 январдаги Ф–5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши ва соҳага оид бошқа норматив-

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 52 б.

хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоқлар тарихининг Оренбург экспедицияси ҳужжатларида акс эттирилиши мавзусига доир тадқиқотларни шартли равишда куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: биринчи гуруҳ Россия империяси даврида яратилган асарлар, иккинчи гуруҳга совет даврида яратилган илмий тадқиқотлар, учинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр қилинган ишлар ҳамда тўртинчи гуруҳга хорижда яратилган тадқиқотлар.

Диссертациянинг биринчи бобида мавзу бўйича адабиётлар таҳлили батафсил равишда очиб берилган. Бироқ мазкур тадқиқотларда қорақалпоқлар тарихининг Оренбург экспедицияси ҳужжатларида акс эттирилиши масалалари тўла қамраб олинмаган. Шу боисдан ҳам мазкур мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши ЎЗР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ №ФА-Ф1-Г001 – «Қорақалпоғистон жаҳон маданияти контекстида. Амударё қуйи оқимидаги шаҳар ва шаҳар маданиятининг тарихий кўриниши» (2012-2016 йй.); №ПЗ-20170915198 – «Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий муносабатларнинг трансформацияси: тарих ва амалиёт» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оренбург экспедицияси ҳужжатлари асосида XVIII аср қорақалпоқ халқининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Оренбург экспедициясининг Ўрта Осиёга уюштирилишининг тарихий асослари ва сабабларини аниқлаш;

Оренбург экспедициясининг геосиёсий мақсад ва вазифалари контекстида қорақалпоқларнинг Россия империяси билан муносабатларини ёритиш;

1731-1743 йилларда қорақалпоқ халқи томонидан Россия империяси фуқаролигини қабул қилишининг объектив ва асосий сабабларини кўрсатиш, уларнинг оқибатларини очиб бериш;

Оренбург экспедицияси арафасида қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини очиб бериш;

XVIII аср қорақалпоқларининг ижтимоий-сиёсий бошқарув тузилишини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1734-1744 йилларда Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган Оренбург экспедицияси иштирокчиларининг асарлари, архив ва нашр қилинган ҳужжатлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Оренбург экспедицияси фаолияти билан боғлиқ бўлган XVIII аср қорақалпоқларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, илмий объективлик, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил каби муҳим назарий-методологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёга 1715-1725 йилларда минтақанинг минерал бойликларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган ҳарбий экспедициялар натижасида қорақалпоқ ерлари Россиядан Бухоро ва Бадахшонга, сўнг улар орқали Ҳиндистонга борадиган рус савдогар карвонлари учун бандаргоҳ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўла бошлаганлиги далилланган;

Россия империяси томонидан амалга оширилган экспедициялар доимий характерга эга бўлмаган бўлса-да, улар метрополиянинг Марказий Осиёдаги геостратегик ва ташқи иқтисодий сиёсий манфаатларини амалга оширишда ёрдам берадиган янги «экспансия воситаси» сифатида хизмат қилганлиги асосланган;

қорақалпоқ-рус муносабатларида Россия империяси асосан ўлканинг транзит савдо-иқтисодий манфаатларини кўзланган бўлса-да, маҳаллий аҳоли ушбу жараёнларда ўзларини қора металл буюмлар ва саноат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилганлиги исботланган;

Оренбург экспедициясининг XVIII асрга оид қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда этногеографик ва сиёсий материаллари асосида қорақалпоқ ижтимоий-сиёсий бошқарув соҳаларининг заиф дифференциацияси оқибатида ҳокимиятнинг заифлашуви юз бериб, бу эса ўз навбатида бутун қорақалпоқ жамиятининг тарқоқлашуви ва давлат тузумининг таназзулига олиб келганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

XVIII аср қорақалпоқлар тарихида муҳим ўрин тутган Оренбург экспедициясининг ҳужжатлари тарихий таҳлил асосида умумлаштирилган;

тадқиқотда фактологик материаллардан фанлараро илмий-тадқиқот ишларида, кенг қўлланилишига доир назарий ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ватан тарихшунослигида тан олинган усул ва назарий ёндашувларни қўллаш, бирламчи архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётлардан кенг фойдаланиш, асосий манбаларни жалб этиш, хулосаларни амалиётга жорий қилиш, таклиф ва тавсиялар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертациянинг назарий ва умумлашма хулосалари Қорақалпоғистоннинг XVIII асрдаги умумий тарихини бойитиш, фанлараро янгича ёндошувларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон тарихини ўрганувчи тарихчи, сиёсатшунос ва социолог олимларнинг тадқиқотларини бойитиш ва олий, ўрта махсус ўқув юртларида, шунингдек ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмунини янада бойитиш шунингдек, давлатчилик тарихини ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оренбург экспедицияси (1734-1744 йй.) хужжатлари асосида қорақалпоқлар тарихини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўрта Осиёга 1715-1725 йилларда минтақанинг минерал бойликларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган ҳарбий экспедициялар натижасида қорақалпоқ ерлари Россиядан Бухоро ва Бадахшонга, сўнг улар орқали Ҳиндистонга борадиган рус савдогар карвонлари учун бандаргоҳ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўла бошлаганлиги борасидаги тадқиқот натижаларидан ЎЗР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф8-005 – «История Каракалпакстана (с древнейших времен по сегодняшний день)» фундаментал лойиҳасини ёзиш учун фойдаланилган (2007-2011 йй.) (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 6 июлдаги 17.01/79-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши XVIII аср қорақалпоқ халқининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихига тегишли бўлган масалаларни манбалар асосида ёритиб беришга хизмат қилган;

Россия империяси томонидан амалга оширилган экспедициялар доимий характерга эга бўлмаган бўлса-да, улар метрополиянинг Марказий Осиёдаги геостратегик ва ташқи иқтисодий сиёсий манфаатларини амалга оширишда ёрдам берадиган янги «экспансия воситаси» сифатида хизмат қилганлиги ҳақида маълумотлардан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали томонидан 2012-2014 йилларда бажарилган А1-ХТ-0-92997 – «Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2020 йил 6 июлдаги 109-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши лойиҳа асосида тайёрланган материаллар кўплаб тарихий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳодисаларни тушунишга хизмат қилган;

қорақалпоқ-рус муносабатларида Россия империяси асосан ўлканинг транзит савдо-иқтисодий манфаатларини кўзланган бўлса-да, маҳаллий аҳоли

ушбу жараёнларда ўзларини қора металл буюмлар ва саноат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилганлиги масаласига оид илмий натижалардан «Қорақалпоғистон» Радиоканалидаги «Фан ва таълим» ахборот-таълим дастуридаги эшиттириши орқали аҳолига, ўқувчи ёшларга, талабаларга, олимларга тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 6 июлдаги 01-02/139-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларда қорақалпоқ халқи тарихига янгича назар билан қараш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 7 та халқаро миқёсдаги конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Оренбург экспедицияси хужжатларининг ёритилиш масалалари: тарихшунослик муаммолари»** номли биринчи бобида тадқиқот масалаларини бевосита ва билвосита акс этувчи жаҳон ва маҳаллий тарихшунослиги таҳлил қилинган, шунингдек, мавзуни ўрганишга қаратилган методологик ёндашувлар аниқлаб берилган.

Биринчи параграфда шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлинган манбалар таҳлил қилинган: 1) Архив манбалари; 2) Нашр қилинган манбалар (мустамлака даври); 3) Нашр қилинган манбалар (совет даври); 4) Мустақиллик даври тадқиқотлари.

Архив манбалари. XVIII аср қорақалпоқлар тарихига оид Оренбург экспедицияси хужжатлари, академик С.Камалов, Р.Косбергенов,

И.Косымбетов, Ж.Уббиниязов, А.Кошанов, М.Тилеумуратов, О.Юсупов² томонидан ўрганилди. Улар томонидан кўп йиллар давомида Россия архивларида³ турли хилдаги тарихий материаллар тўпланган. Ушбу манбаларнинг кўпчилиги, жумладан, Оренбург экспедицияси (1734-1744 йй.) ҳужжатларининг баъзи нусхалари ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида сақланмоқда. Аввалги давр тарихчилари ушбу материаллардан кенг фойдаланганлар. Лекин, Оренбург экспедицияси ҳужжатларининг аксарияти тўлиқ тадқиқ қилинмаган.

Масалан, қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи, нисбатан бой тарихий ҳужжатлар олимларимиз томонидан Оренбург вилояти Давлат архивида (ГАОО) тўпланган. Ушбу ҳужжатлар орасидан биз олдин илмий муомалага киритилмаган 1-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 55-72-75-76-94-121-122-151-157-158-213-варақларини ўрганиб чиқилди.

Нашир қилинган манбалар (мустамлака даври). Мазкур гуруҳга XVIII аср қорақалпоқлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига оладиган Оренбург экспедицияси аъзоларининг хабарларини акс эттирувчи манбалар кирази.

XVIII аср қорақалпоқлар тарихини ўрганиш И.Кирилов⁴, В.Татищев⁵ ишларидан бошланади. Улар қорақалпоқларнинг яшаш ҳудуди ва этногенезини аниқлашга ҳаракат қилганлар.

² Камалов С. О значении принятия каракалпаками подданства России в 1731 году // Вестник КК Фан УзССР. – Нукус: 1965, №3. – 55-62 бб.; Унинг. Некоторые подробности относительно второго принятия каракалпаками подданства России // Вестник КК Фан УзССР. – Нукус: 1965, №4. – 57-63 бб.; Унинг. XVIII эсирдеги каракалпақ-рус қатнасықлары. (Каракалпақско-русские отношения в XVIII в.). – Нукус: Каракалпакия, 1966; Унинг. Социально-экономическое и политическое положение каракалпаков в XVIII-XIX веках // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Ташкент: Фан, 1967; Унинг. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. (К истории взаимоотношений с Россией и среднеазиатскими ханствами). – Ташкент: Фан, 1968; Камалов С., Косбергенов Р., Косымбетов И. Навеки вместе. – Нукус: Каракалпақстан, 1973; Камалов С., Уббиниязов Ж., Кошанов А. Из истории взаимоотношений каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII – начале XX вв. (Очерк политических, экономических и культурных связей). – Ташкент: Фан, 1988; Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесіуі хәм оның мәмлөктелігінің тарийхынан. – Нөкис: Илим, 2001; и др.; Косбергенов Р. Қарақалпақлардың Россияға қосылыу тарийхынан. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1969; Кошанов А. Рус изертлеушілери қарақалпақ тарийхы хәм мәдениаты ҳақында // Эмиўдәрья. 1973, №11; Унинг. Қарақалпақлардың XVIII эсирдеги тарийхы көркем әдебият бетлеринде // Эмиўдәрья. 1974, №8; Унинг. К вопросу изучения истории взаимоотношений каракалпаков с другими братскими народами // Вестник КК Фан УзССР, 1980, №4. – 59-62 бб.; Унинг. О современном состоянии изучения дореволюционной истории Каракалпакии // Вестник КК Фан УзССР, 1981, №2. – 55-58 бб.; Унинг. Данные о каракалпаках в материалах путешествий Бековича, Гладышева и Муравина // Вестник КК Фан УзССР, 1982, №2. – 47-50 бб.; Тилеумуратов М. Истоки культурных связей Каракалпакии с соседними народами. – Нукус: Каракалпақстан, 1986; Унинг. Культурные связи каракалпаков с братскими народами. – Нукус: Каракалпақстан, 1989; Унинг. Исторические и культурные связи каракалпаков с Россией и Башкирией в XVIII - начала XX вв. – Нукус: Билим, 1993; Юсупов О. Жәнибек батыр, Маман батыр, Мурад шайых, Эзийз баба, Қоразбек бий-аталық, Хожамурат бий хәм Төрөмурат бий-суфылар ямаса «Майлы шөңгел» өтмишинен дереклер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993.

³ АВПР, фонд «Каракалпақские дела», 117/1-рўйхат, 1-иш, 77-78-варақлар; Шу ерда, 122/1-фонд. 1730-1731 йй., 1-иш, 61-64-121-варақлар; РГАДА, 119-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 188-варақ; Шу ерда, 134-фонд, 1-рўйхат, 218-иш, 1-варақ; Шу ерда, 134-фонд, 3-рўйхат, 4-иш, 6-варақ; ГАОО, 1-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 55-72-75-76-94-121-122-151-157-158-213-варақлар.

⁴ Кирилов И. Цветущее состояние всероссийского государства. Кн. 1-2. – Москва: Университетская типография, 1831.

Қорақалпоқларнинг руслар ва Урал казаклари билан бўлган муносабатлари ҳақида «Полное собрание законов Российской империи»⁶ тўпламида, ва И.Жуковский⁷ ҳамда А.Левшин⁸ томонидан ёзилган.

XVIII аср ўрталарида қорақалпоқларнинг хиваликлар билан олиб борган савдо алоқалари «Путешествие из Оренбурга в Хиву самарского купца Рукавкина...»⁹ китобида ёритилган.

Қорақалпоқлар ҳақида нисбатан батафсил маълумотлар «Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершённая в 1740-1741 гг. поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным»¹⁰ китобида хисобат шаклида жойлаштирилган.

П.Ричковнинг «Топография Оренбургская...»¹¹ асарида ҳам XVIII аср қорақалпоқлари туғрисида анча муфассал маълумот берилган. Ушбу китобда Қорақалпоғистон ва умуман Ўрта Осиё тарихининг ривожланишига таъсир кўрсатган тарихий шахсларнинг номлари тилга олинади ва уларнинг фаолияти, аждодлари ҳақида қизиқарли воқеалар келтирилган. «Топография Оренбургская...» асарининг матнлари XVIII аср қорақалпоқлар тарихини турли диний унвон ва лавозимларга эга бўлган инсонлар ҳақидаги янги маълумотлар билан тўлдириш имконини беради.

XVIII асрнинг 40 йилларидаги қорақалпоқлар тарихи туғрисида В.Н.Витевскийнинг «И.И.Неплюев и Оренбургский край в прежнем его составе до 1758 г.»¹² асарида баён этилган.

А.И.Добросмысловнинг «Материалы по истории России»¹³ китобида хар хил фармонлар ва XVIII асрга оид бошқа ҳужжатлар чоп этилган. Масалан, асарда подшоҳ Анна Иоанновнанинг қорақалпоқ хони Гаипга ёзган мактуби ўрин олган¹⁴.

⁵ Татищев В. История Российская с самых древнейших времен. Кн. 1. Ч. 2. – Москва: АН СССР, 1962. – 274-294 бб.

⁶ Полное собрание законов Российской империи. Т. 6-9. – Санкт-Петербург: Типография 2-го Отделения Собств. Е.И.В. Канцелярии, 1830.

⁷ Жуковский И. Краткое обозрение достопамятных событий Оренбургского края расположенных хронологически с 1246 по 1832 гг. – Санкт-Петербург: Типография Н. Греча, 1832.

⁸ Левшин А. Историческое и статистическое обозрение уральских казаков. – Санкт-Петербург: Военная Типография Главного Штаба Е.И.В., 1823.

⁹ Руссов С. Путешествие из Оренбурга в Хиву самарского купца Рукавкина в 1753 году с приобщением разных известий о Хиве с отдаленных времён до ныне // Журнал Министерства внутренних дел. Кн. 12. – Санкт-Петербург: Типография Министерства внутренних дел, 1839.

¹⁰ Ханьков Я. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 годах поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным. Географические известия Императорского Русского Географического Общества. Вып. 4. Отд. 2. – Санкт-Петербург: Типография Министерства внутренних дел, 1851.

¹¹ Рычков П. Топография Оренбургская, то есть: обстоятельное описание Оренбургской губернии / Сочиненное коллежским советником и Императорской Академии наук корреспондентом Петром Рычковым. Ч. 1-2. – Санкт-Петербург: при Императорской Академии наук, 1762.

¹² Витевский В. И.И.Неплюев и Оренбургский край в прежнем его составе до 1758 г. В 5 тт. – Казань: Типография В.М.Ключникова, 1889-1897.

¹³ Материалы по истории России: сб. ук. и др. документов, касающихся управления и устройства Оренб. края / сост. А.И.Добросмыслов. Т. 1-2. – Оренбург: Типо-лит. Ф.Б. Скачкова, 1900.

¹⁴ Материалы по истории России: сб. ук. и др. документов, касающихся управления и устройства Оренб. края / сост. А.И.Добросмыслов. Т. 1. – Оренбург: Типо-лит. Ф.Б. Скачкова, 1900. – 122-123 бб.

Таҳлил қилинган академик нашрларнинг баъзилари буюк держава апологетикаси руҳи билан йўғрилган бўлса-да, улар ватанимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эга.

Ғарб саёҳатчилари ва олимлари ўз тадқиқотларида қорақалпоқ халқи ҳақида унчалик тўхталмаган ва бу борадаги мавжуд тарихий материаллар рус манбаларига нисбатан камроқ. Лекин, шунга қарамасдан, тадқиқот мавзусига доир баъзи маълумотларни ўз ичига олган айрим хорижий адабиётларни эслаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Пётр I саройида сиёсий арбоб ва сайёҳ, шотландиялик Джон Белл хизмат қилар эди. 1747 йилда у ўз кундалигини чоп этиб, унда Бекович-Черкасский экспедицияси ва унинг ҳалокатга учраши ҳақида баён этган¹⁵.

Оренбург экспедициясининг инглиз иштирокчилари Дж.Эльтон, Дж.Кэстль, Р.Хоуг ва бошқалар Ўрта Осиё халқлари, жумладан, қорақалпоқ халқи орасида бўлиб, улар ҳақида турли хил маълумотлар тўплаган¹⁶.

1740 йилда инглиз савдогарлари Томпсон ва Гогг Гладишев билан бир вақтда Хивада бўлиб, ўз ҳисоботида Орол денгизи соҳилидаги аҳоли ҳақида қисқача маълумот берган¹⁷.

Оренбург экспедицияси таркибида немис тадқиқотчилари ҳам бўлганлар. Масалан, Г.Ф.Миллер¹⁸, И.Э.Фишер¹⁹ қорақалпоқларнинг этногенези масалаларини ўрганишган.

Шунингдек, қиёсий таҳлил учун «Discovery and Empire»²⁰, «Expedition into Empire. Exploratory Journeys and the Making of the Modern World»²¹, «Английская колониальная политика»²² каби хорижий илмий адабиётларни ўрганиб чиқдик.

Аmmo, ушбу материаллар орасида қорақалпоқ халқи тарихига бағишланган махсус асарлар учрамайди. Шунга қарамай, мавжуд Ғарб ёзма манбаларидан олинган қимматли маълумотлар асосида XVIII аср қорақалпоқларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишга эришдик.

Нашр қилинган манбалар (совет даври). XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб то совет бошқарув тизими парчалангунга қадар қорақалпоқлар тарихи ва этнографиясини кенг илмий ўрганиш жараёни фаоллашади.

¹⁵ Bell J. Travels from St. Petersburg in Russia to various parts in Asia. – Glasgow, 1773. Vol. I-II.

¹⁶ Hanway J. An historical account of the British trade over the Caspean Sea: with a journal of travels from London through Russia into Persia and back... In 4 Vols. – L., 1753; Hutton J. Central Asia. – L., 1875.

¹⁷ Берг Л. Аральское море. – Санкт-Петербург: Типография М.М. Стасюлевича, 1908.

¹⁸ Миллер Г. О народах издревле в России обитавших. С немецкого на Российский язык переведено Иваном Долинским. – Санкт-Петербург: 1773.

¹⁹ Фишер И. Сибирская история с самого открытия Сибири до завоевания сей земли Российским оружием. – Санкт-Петербург: 1774.

²⁰ West-Sooby J. Discovery and Empire. University of Adelaide Press, 2013.

²¹ Thomas M. Expedition into Empire. Exploratory Journeys and the Making of the Modern World. Routledge, New York and London, 2015.

²² Фокс Р. Английская колониальная политика. (Популярный очерк). Государственное социально-экономическое издательство. – М., – Л., 1934.

1934 йилда П.П.Ивановнинг «Материалы к изучению истории каракалпаков»²³ номли маърузаси чоп этилди.

1938 йилда А.Бирзе ўзининг «К истории каракалпаков XVIII века»²⁴ номли илмий мақоласини эълон қилди. Ушбу мақолада муаллиф қорақалпоқларнинг сиёсий аҳволига оид масалаларни таҳлил қилган. У халқимиз тарихининг кўп қирраларини ёритиб берувчи Оренбург экспедициясининг аксарият қизиқарли ҳужжатларини чоп этди.

Т.А.Жданко²⁵ асарида Оренбург экспедицияси даврида яратилган географик хариталар жой эгаллаган. Мисол учун, у Оренбург экспедицияси иштирокчилари Гладышев ва Муравин²⁶ томонидан 1740-1743 йилларда чизилган харитани (№3) нашр қилди.

Б.В.Луниининг²⁷ «Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении», «История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в.» деб номланган илмий ишлари жуда қимматли камнамо асар саналади.

Тадқиқотимиз мавзуси бўйича фойдали материаллар академик М.Нурмухамедовнинг²⁸ асарларида келтирилган. У қорақалпоқ ва рус халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида гувоҳлик берадиган кўплаб босма ва архив манбаларини – кундалиқлар, хатлар, ҳисоботлар ва жумладан, Оренбург экспедицияси материалларини илмий муомалага киритди.

Ўзбек муаллифларидан Х.Зияев²⁹ асарларида Ўрта Осиё хонликлари ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларининг тарихи атрофлича тадқиқ этилган. Ушбу китобларда Оренбург экспедицияси ҳужжатларидан ҳам маълумотлар келтирилган.

Совет даврида диссертациямиз мавзуси бўйича тадқиқотлар анча фаоллашиб борилди, шунинг билан бирга ушбу жараёнга туб аҳоли тарихчилари ҳам қўшила бошладилар.

Мустақиллик даври тадқиқотлари. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида янги, кенгайтирилган ва замонавий нуқтаи назардан кўриб чиқилган нашрлар пайдо бўлди. Ушбу асарларда танланган

²³ Иванов П. Материалы к изучению истории каракалпаков. Каракалпакия. Труды первой конференции по изучению производительных сил Каракалпакской АССР. Т. 2. – Ленинград: АН СССР, 1934. – 178-199 бб.

²⁴ Бирзе А. К истории каракалпаков XVIII в. // Красный архив. – Москва: Государственное социально-экономическое издательство, 1938. №6 (91). – 225-254 бб.

²⁵ Жданко Т. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – Москва: АН СССР, 1950.

²⁶ Жданко Т. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – Москва: АН СССР, 1950. – 17 б.

²⁷ Луниин Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент, 1965; История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в. – Ташкент, 1988.

²⁸ Нурмухамедов М., Жданко Т., Камалов С. Каракалпаки. (Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней). – Ташкент: Фан, 1971; Унинг. Из истории русско-каракалпакских культурных связей. – Ташкент: Фан, 1974.

²⁹ Зияев Х. К истории экономических связей Средней Азии с Россией через Сибирь в XVIII веке // Изв. АН Узб. ССР. Сер. общественных наук. 1958. №4. – 31-32 бб.; Унинг. Средняя Азия и Сибирь (вторая половина XVI-XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1964; Унинг. Узбеки в Сибири (XVII-XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1968; Унинг. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1983; Унинг. Развитие экономических, политических и культурных связей Узбекистана с Россией (конец XVI - начало XIX века) // Общественные науки в Узбекистане. 1984. №1. – 29-36 бб.

мавзумизнинг тўғри, яъни холисона ва объектив тарзда ёритилишига кўмаклашувчи қизиқарли материаллар мавжуд. Улар биз ўрганаётган масалаларни кўтармасалар-да, диссертация ишимиз учун асос бўлиб хизмат қилди.

1995 йилда И.Пискунова томонидан «Сырдарьинские каракалпаки и Россия в XVIII веке»³⁰ мавзусида диссертация иши ёзилди.

С.Сайманов 1996 йилда Орол давлати тарихига бағишланган илмий мақола ёзиб нашр қилди³¹.

Орол-Қўнғирот давлати тарихига тегишли бўлган масалалар Г.Хўжаниязовнинг³² илмий мақоласида акс эттирилган.

2018 йилда Г.Хўжаниязов ва А.Джумашев томонидан «Этнический состав Аральско-Кунградского владения в XVII-XIX вв.: забытая страница истории»³³ номли илмий мақола чоп этирилди.

Ўзбек тарихчилари орасида биз ўрганаётган масалага Х.Ғуломов³⁴, Х.Зияев³⁵, Г.А.Агзамова³⁶ тўхталиб ўтган.

Қозоқ тарихчиларининг³⁷ тадқиқотларини ўрганиш натижасида диссертациямизнинг аксарият масалаларини ёритиш имкони пайдо бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, Бошқирдистонда бизнинг тадқиқот мавзумизга оид бир қанча қизиқарли маълумотларни ўз ичига олган асарлар чоп этилган. Айниқса, М.Зулкарнаев³⁸ ва И.Акмановнинг³⁹ илмий ишлари биз учун муҳим аҳамиятга эга.

³⁰ Пискунова И. Сырдарьинские каракалпаки и Россия в XVIII веке // Дис. ... канд. ист. наук. – Нукус: Институт истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения АН РУз, 1995.

³¹ Сайманов С. Город и Аральское владение в XVIII в. // Вестник ККО АН РУз. – Нукус: 1996, №4. – 147-151 бб.

³² Хожаниязов Г. Аральско-Кунградское владение // Вестник ККО АН РУз. – Нукус: 2004, №7. – 52-55 бб.

³³ Хожаниязов Г., Джумашев А. Этнический состав Аральско-Кунградского владения в XVII-XIX вв.: забытая страница истории // Оазисы Шелкового пути: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. Котюкова Т.В. – Москва: 2018. – 131-141 бб.

³⁴ Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. – Ташкент: Фан, 2005.

³⁵ Зияев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX бошлари). – Тошкент, 1998; Унинг. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи (миллоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент, 2001; Унинг. Сибир, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. (XVI-XX асрнинг бошлари) ўзбек ва рус тилларида. – Тошкент, 2003; Унинг. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Крим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва хукмронлигига қарши курашлар тарихи. – Тошкент, 2012.

³⁶ Агзамова Г.А. Роль русских исследователей в изучении среднеазиатских ханств (XVI – первая половина XIX вв.) // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. – Ташкент, 2009.

³⁷ Есмагамбетов К. Что писали о нас на Западе. – Алма-Ата: Қазақ университеті, 1992; Прошлое Казахстана в источниках и материалах / Под ред. проф. Асфендиярова С.Д. и проф. Кунте П.А. 2-е изд. Сб. 1: (V в. до н. э. – XVII в. н. э.). – Алматы: Казахстан, 1997; Прошлое Казахстана в источниках и материалах / Под ред. проф. Асфендиярова С.Д. 2-е изд. Сб. 2. – Алматы: Казахстан, 1998; Ерофеева И. Хан Абулхаир: полководец, правитель и политик. – Алматы: Санат, 1999; Кабульдинов З., Козыбаева М. Оренбургская экспедиция (комиссия) 1734-1744 гг. по колонизации казахской степи: цели, этапы, последствия // Отан тарихи, 2019, №3.

³⁸ Зулкарнаев М. Образование и деятельность Оренбургской экспедиции при И.К.Кирилове: 1734-1744 гг. // Дис. ... канд. ист. наук. – Уфа, 2005.

³⁹ Акманов И. Оренбургская экспедиция и восстание башкир в 1735-1736 гг.: Неизбежно ли было это массовое движение? // Оренбург: Вчера, сегодня, завтра. Всероссийская научно-практическая конференция к

Шундай қилиб, мавзунинг ўрганилганлик даражасини таҳлил қила ўтириб, илмий қизиқишлар доирасини кенгайтириш имконини берувчи катта тарихий материаллар қатлами тўпланганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин, шунга қарамадан, Оренбург экспедицияси материаллари асосида қорақалпоқлар тарихи етарлича даражада ўрганилмаган. Бундан ташқари, Оренбург экспедициясининг кўпгина хужжатлари яқингача илмий муомалага тўлиқ киритилиб, ҳар томонлама таҳлил қилинмаган эди.

Иккинчи параграфда Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган Оренбург экспедицияси фаолиятининг тарихи ва қорақалпоқ халқининг ҳаётини ўрганишда қўлланилган назарий-методологик услуб ва илмий-тадқиқот тамойилларининг роли кўрсатиб берилган.

Оренбург экспедициясининг Ўрта Осиёдаги фаолиятига аниқлик киритишда ушбу жараёни тўғри тасвирлашга имкон берадиган илмий тамойилларга мурожаат қилиш лозим. Булар: тизимли ёндашув, функционал таҳлил, тарихийлик тамойили ва бошқалар.

Тизимли ёндашув Оренбург экспедициясини Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг таркибий элементларидан бири сифатида кўриш, ва тадқиқот предметининг яхлитлигини очиқ беришга имкон берди. Тизимли ёндашув ёрдамида Оренбург экспедициясининг бошланишига олиб келган Россия ва Марказий Осиёдаги ўзгаришларнинг шарт-шароитлари ва омилларини аниқлаш мумкинчилиги вужудга келди.

Функционал таҳлилнинг қўлланилиши Оренбург экспедициясининг ҳарбий ва сиёсий вазифаларини аниқлашга ёрдам берди.

Ушбу ёндашувлар тарихийлик тамойили билан чамбарчас боғлиқ. Тарихийлик тамойилининг моҳияти шундаки, у биз ўрганаётган объектни вақт ичида ўзгарувчан, ривожланиб боровчи ходиса сифатида номоён қилди.

Тарихийлик тамойили Оренбург экспедициясининг Ўрта Осиёни мустамлакага айлантиришдаги ролини аниқлашда қўлланилди. Экспедициянинг дастлабки босқичини таҳлил қилишда, Россия ҳудудининг кенгайиб бориши Россия тарихига оид омиллардан бири эканлигига, ва Ўрта Осиёни ҳарбий жиҳатдан ўрганиш янги ерларни эгаллаш жараёнида муҳим даврлардан бири бўлганлигига эътибор қаратилди.

Тадқиқотимизда қўлланилган комплексли ёндашув Оренбург экспедициясининг Ўрта Осиёдаги фаолиятини Россия Фанлар академиясининг Шарқ мамлакатларида мустамлакачилик сиёсатини олиб бориш мақсадида ташкил қилган илмий тадқиқотлари контекстида кўриб чиқиш имконини берди.

Тарихий ва қиёсий метод орқали, Ўрта Осиёда яшаган этник гуруҳларни танланган параметрда, яъни уларнинг маданияти ва яшаш шароитини таққослаганда ўзига хос умумийлик ва ўхшашликлар аниқланди.

260-летию г. Оренбурга. – Оренбург, 2003; Его же. Из истории Оренбургской экспедиции // Очерки истории дореволюционной России. Вып. I. – Уфа, 1972. – 90-106 бб; Его же. Организация Оренбургской экспедиции // Очерки истории дореволюционной России. Вып. II. – Уфа, 1975. – 101-141 бб.

Шундай қилиб, умумий ва махсус илмий методларни қўллаш қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини, қолаверса Оренбург экспедицияси фаолиятини объектив тарзда кўриб чиқиш имконини яратди. Қорақалпоқлар тарихининг Оренбург экспедицияси ҳужжатларида акс эттирилиши муаммосини ўрганишда назарий-методологик тамойилларни қўллаш давр руҳини яхшироқ тушунишга, унинг ўзига хос белгиларини тулиқ ҳис этишга ёрдам берди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оренбург экспедицияси: янги ерларни мустамлака қилиш босқичи**» деб номланган бўлиб, унда Оренбург экспедициясининг Ўрта Осиёга уюштирилишининг шарт-шароитлари тадқиқ қилинган, шунингдек, қорақалпоқларнинг Россия империяси билан муносабати Оренбург экспедициясининг геосиёсий мақсад ва вазибалари контекстида ёритилган.

Биринчи параграф Орол денгизи ҳудудига чор Россиясининг ҳарбий кириб келиш сабабларини таҳлил қилишга бағишланган.

XVIII асрда Россия империяси билан бўлган муносабатлар Ўрта Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг тақдирига ҳам ижобий, ҳам салбий томондан таъсир кўрсатган. Қорақалпоқлар жунғорлар ва қозоқлар томонидан уюштирилган тинимсиз босқинчиликлардан ҳимояланиш илинжида ўз диққат эътиборини Россияга қаратиб, сиёсий ҳомийликка интилган. Ушбу ҳолат қорақалпоқларнинг бир неча бор чор Россияси ҳукуматига мурожаат қилиб, фуқаролигига қабул қилишини сўраганининг биринчи сабабидир.

Қорақалпоқ-рус муносабатларида аҳолининг савдо-иқтисодий манфаатлари, уларнинг нафақат Марказий Осиё бозорларида, балки Россияда ҳам ўзларини зарурий маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган интилишлари катта роль ўйнади.

Ўз навбатида, Россиянинг Ўрта Осиё халқлари, жумладан, қорақалпоқларга яқинлашишининг асосий боиси савдо мақсадларида эмас эди.

XVIII аср бошларида Пётр I фармони билан Ўрта Осиёга кириб бориш учун бир қатор ҳарбий экспедициялар тайёрланган. 1715-1717 йилларда ташкил этилган Бекович-Черкасский экспедициясидан ташқари, 1714-1717 йилларда И.Бухгольц экспедицияси амалга оширилди, 1717 йилда полковник И.Ступин бошчилигидаги экспедиция ташкил этилди, 1719-1720 йилларда И.Лихарев экспедицияси бўлиб ўтди ва 1718-1725 йилларда Флорио Беневини Ўрта Осиёда бўлиб, минтақанинг минерал бойликларини диққат билан ўрганиб чиқди⁴⁰.

Пётр I вафотидан сўнг унинг Шарқни забт этиш ҳақидаги режалари бир зум ҳам унутилмади. Бу борада, олиб борган сиёсати чор ҳукуматининг манфаатларини акс эттирувчи, Оренбург экспедицияси раҳбари Иван

⁴⁰ Терентьев М. История завоевания Средней Азии. С картами и планами. Т. 1. – Санкт-Петербург: 1906. – 40 б.

Кириловнинг қуйидаги сўзлари эътиборимизни тортади: «бизнинг подшоҳимиз Анна Иоанновна даврида, - деб ёзган эди у ўзининг «Проект об удержании в русском подданстве киргиз и способе управления ими» номли лойиҳасида, - ... икки ишни амалга ошириш, унинг империясини кенгайтиришга олиб келиши мумкин ва у беҳисоб бойлик томон йўл очиб бериши эҳтимол:

1. Биринчиси маълум, Сибир ва Камчатка экспедицияси.

2. Иккинчиси ҳали очилмаган қирғиз-қайсоқ ва қорақалпоқлар...»⁴¹.

Ҳиндистон Россия империясининг алоҳида эътиборини ўзига жалб қилган, аммо Ҳиндистон билан Россия ўртасида Бухоро, Самарқанд, Балх, Хива ва бошқа вилоятлар ётарди⁴².

Қорақалпоқларни ўз томонига жалб қилишнинг иқтисодий афзалликларини қайд қила ўтириб, И.Кирилов қуйидагиларни ёзади, «қорақалпоқларнинг Россия империяси учун катта фойдаси шундан иборатки, улар Россиядан Бухоро ва Вадакшанга, сўнг улар орқали Ҳиндистонга борадиган рус савдогар карвонлари учун бандиргоҳ бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган Сирдарё ва Орол кўли (денгизи) яқинида яшашади»⁴³.

И.Кирилов «Изъяснение о киргиз-кайсацкой и каракалпакской ордах» деб номланган махсус экспедициянинг лойиҳасини ишлаб чиқади.

1734 йил 1 май куни Сенат мазкур лойиҳани кўриб чиқиб, маъқуллади ва экспедицияни жиҳозлаш учун маблағ ажратди. Шу йилнинг ўзида, подшоҳ Анна Ор дарёси оғзида шаҳар қуриш ҳақидаги фармонни имзолайди.

Шундай қилиб, 1735 йилда Оренбург шаҳри барпо этилиб⁴⁴, у Россия-Ўрта Осиё сиёсий ва савдо алоқаларининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Айнан шу ердан тарихда Оренбург экспедицияси деб ном олган экспедиция бошланган эди. Оренбург экспедицияси, биринчи навбатда, Ўрта Осиё билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уларни аста-секин Россияга қўшиб олиш мақсадидаги ташқи сиёсий вазифалар юзасидан вужудга келди.

Оренбург экспедициясига Ўрта Осиёдаги янги ҳудудлар ва мамлакатларни батафсил ўрганиш вазифаси юклатилди. Экспедиция томонидан тўпланган материалларда XVIII аср қорақалпоқлари ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган.

Иккинчи параграфда қорақалпоқлар билан Россия империяси ўртасидаги алоқалар Оренбург экспедициясининг геосиёсий мақсад ва вазифалари контекстида қайта кўриб чиқилган.

Геосиёсат географик омиллардан фойдаланиш билан боғлиқ сиёсий мазмундаги қарорларни моделлаштириб, баъзан бундай қарорларни қабул

⁴¹ ГАОО, 1-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 55-варақ.

⁴² ГАОО, 1-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 55-варақ.

⁴³ ГАОО, 1-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 72-75-76-варақлар.

⁴⁴ ГАОО, 1-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 121-122-варақлар.

қилиш жараёнида бевосита иштирок этади, шунингдек, у географик ҳодисаларни – худудларни – сиёсий ҳодисаларга: давлатлар, иттифоқлар, буфер зоналар, можароли тизимларга айлантириш йўллари қидиради⁴⁵. Ушбу асосдан келиб чиққан ҳолда, Оренбург экспедицияси ўз олдига геосиёсий мақсад ва вазифаларни кўя олган де ҳисоблаймиз.

Чор Россиясининг Ўрта Осиё билан яқин алоқалари подшоҳ Анна Иоанновна (1730-1740 йй.) даврида бошланган⁴⁶.

Қорақалпоқларнинг руслар билан яқинлашишга қаратилган биринчи уриниши XVIII асрнинг 20-йилларида қозоқлар билан бирга амалга оширилган эди.

1731 йилда подшоҳ Анна Иоанновна қорақалпоқларнинг Россия фуқаролигига қабул қилинганлиги тўғрисида махсус ёрлиқ хатини имзолади⁴⁷. Шунингдек, қорақалпоқларга подшоҳ Анна Иоанновнанинг ҳимояси билан таскин бериш учун элчилар юборилди⁴⁸.

Чор Россияси «экспедиция» услубини босқинчилик сиёсатининг курали сифатида танлади. Гарчи ушбу экспедициялар доимий характерга эга бўлмаган бўлса да, улар Россиянинг Марказий Осиёда ўз манфаатларини амалга оширишда ёрдам берадиган янги «восита» сифатида хизмат қилган⁴⁹. Лекин Ўрта Осиё ҳукмдорлари ушбу тактикани тушунмадилар ва Россияга интилиб, ўз элчиларини жўнатишда давом этдилар.

Подшоҳ Анна элчиларни қабул қилиб, империя таркибига барча қирғиз-қайсоқ ва қорақалпоқ халқини киритишга розилик берди.

1741 йилда Елизавета Петровна (1741-1761 йй.) тахтга ўтириши муносабати билан қорақалпоқ оқсоқоллари Россияга содиқликда иккинчи марта қасамёд қабул қилдилар. Бироқ, бу тобелик тўғридан-тўғри эмас эди. Чунки қорақалпоқлар ҳамон қозоқ хони Абулхайрга ғаразли бўлганликлари боис Россия билан бевосита алоқа қила олмас эди.

